

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ 1402-23
2019 йил



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил “2” маёддик даги
1023-сонли бўйрги билан
тасдиқланган**

**“Филология ва тилларни ўқитиш”
(Корейс тили)**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ**

**Ўзджту ҳузуридаги чет тилларини ўқитишнинг
инновациявий методикаларини ривожлантириш
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий
ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2019 йил 18.10. даги 5 - сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

- Тузувчилар: “Ўзбекистоннинг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш боскичида
олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф.
И.Саинфазаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.
“Таълим-тарбия жарабайларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий
хужжатлари” модули: ю.ф.и., доц. В.Топилдинев, ю.ф.и., доц. Х.Тўйчиева,
доц. в.б. А. Рахмонов.
“Педагогининг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д.,
проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта
ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, М.Матназарова, Н.Хакназарова, А.Тураев,
М.Инназаров, Д.Кушарбаев .
“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот
майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова,
п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар
А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Г.Отамуродов.
“Амалий хорижий тилин ўрганишнинг интенсив усуллари” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гиясова.
“Таълим жарабанини бошқаришда тизимли таҳдил ва қарор қабул
қилишининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф.
А.Юлдашев, п.с.ф.и. Х.Алимов, ф.-м.ф.и., доц. В.Каримова.
Маҳсус фанлар бўйича:
Леे Нан Ёнг, Маматкулова Яйра, Д. Пўлатова, П.Азимова
- Такризчилар: Хорижий эксперт: Лее Нан Ёнг (Корея)
М.Курбонова – ЎзМУ ф.ф.д., проф

Ўқув дастури ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ Илмий Кенгашининг карори
билин тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил 27.09 даги 9 -
сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Хорижий тилларни ўқитишида ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари.

VI. Махсус фанлар.

6.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари.

6.2. Корейс филологиясини ўқитишининг замонавий методлари.

6.3. Корейс филологиясида компративистика.

VII. Малаквий аттестация.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

“Филология ва тилларни ўқитиш”: корейс тили йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Филология ва тилларни ўқитиш”: корейс тили йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс яқунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тил ўқитишнинг умумевропа стандартлари талабларини;

- корейс тили ўқитишининг назарий ва коммуникатив ёндашув асосларини;
- тил ўқитиши методлари ва тамойилларини;
- чет тили таълимида баҳолаш ва унинг мезон ва меъёрларини;
- корейс тили таълимида CEFR тамойилларининг ўрнини;
- компаративистикада шарқшуносликнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- ўз касбий фаолияти соҳасида олий таълимнинг ўқитишига оид меъёрий-хуқуқий хужжатлари асосида иш юритиш;
- анъанавий баҳолаш ва CEFRга асосланган тил компетенцияларини баҳолаш тизими ўртасидаги фарқларни аниқлай олиш;
- тил ўқитишига оид муаммоларни таҳлил қилиш;
- меъёрий-хуқуқий хужжатларни амалиётда қўллаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тил ва нутқ материалларини танлаш тамойиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- тил ўқитиши методикаси бўйича тўпланган маълумотларни амалда қўллай олиш;
- таълим олувчиларнинг билиш қобилиятларини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизmlарини амалга ошириш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиши **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва фидбек бериш;
- чет тили таълимида таълим технологияларни қўллаш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши зарур.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ” (КОРЕЙС ТИЛИ) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристири. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қиласин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини

2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишининг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишининг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқуқий стандартларга мувофик аёлларнинг хуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараённида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган

фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни кўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва қасб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фандастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари.

Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси.

Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи. Лингвистик мактаблар ва бу мактаблар томонидан яратилган таълимотлар мөҳияти. Грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар. Семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш. Лингвогенетик, ареал, типологик, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар.

Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш. Коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвокультурология.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиилар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурйи воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Хорижий тилларни ўқитиша ахборот-коммуникация технологиялари.

АКТ воситалари ва тил ўқитиши. Онлайн воситалар орқали тил кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш (Memrise, 24/7 Tutor

Apps, Google Translate, FluentU, busu, babble, Lingvist, awabe, Lingdeer, LingQ, Hello talk ва бошқалар).

Компьютер орқали тил ўқитиши (Computer Assisted Language Learning: Cloze master, Lingualeo, Rosetta Stone, Duolingo). Интерактив мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, интернет, телевизор, Интерактив доска ва бошқалардан фойдаланиш. Проектларга асосланган ўрганиш (Project based learning), Конструктив педагогика, дарсда технологияни сингдириш.

Электрон баҳолаш: Портфолио, саволнома, ва рубрикалар. Мулоқотни шакллантирувчи технологиялар. Электрон таълим материалларини яратиш, Электрон курс учун мультимедия компонентларидан ва унинг iSpring қўшма-модули ёрдамида интерактив ўқув материаллар яратиш. Онлайн лугатлардан фодаланиш (Worldlingo, Oxford, Wordreference, Proz, IATE, My memory).

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятларо мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўнималарини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишини лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнималарини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўнималари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психолигик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари.

Шарқшуносликда тизимли таҳлил тушунчаси. Тадқиқот ва дарсни ташкил этиш учун маълумот йиғиш методологияси: бирламчи ва иккиламчи маълумотлар йиғиш ва ушбу маълумотларни таҳлил қилиш. Маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик таҳлил, дискурс таҳлил, социолингвистик таҳлил, контентни ва контекстни таҳлил этиш механизимлари.

Таҳлил этиш натижасида маълумот тайёрлаш: мақола, китоб ва диссертация шаклдаги таҳлилий материаллар ёзиш. Илмий тадқиқ усуллари: синхрон аспект, диахрон аспектдаги тилшунослик таҳлил усуллари.

VI. МАХСУС ФАНЛАР

6.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари.

Коммуникатив тилшунослик тушунчаси. Коммуникатив компетенция тамойиллари. CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенциялар.

Сўзлашув орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш. Тинглаш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш. Ёзиш орқали коммуникатив компетенция ўргатиш. Ўқиши орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш.

Коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексика. Тилни дискурсив ёндашувда ўқитиш. Ўқитишида конструктивистик ёндашув. Сўз ва концепт. Концептларини интерпретация қилиш ва ўқитиш.

6.2. Корейс филологиясини ўқитишининг замонавий методлари.

Тил ўқитиш тамойиллари. Пост-метод даври. Коммуникатив ёндашувда тил ўқитиш. Вазифага асосланган ёндашув орқали тил ўқитиш. Мустақил таълим кўнималарини шакллантириш. Дарсни ташкил этишда миллий стандартнинг роли. Дарсни шакллантиришда дарс мақсадларини ўргатиш.

Замонавий методларни ўрганиб чиқиш. Ўкув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва тахлил қилиш. Ўкув материалларни танлашдаги стратегиялар. Ўкув материаллар яратишида асосий тамойиллар. Ўкув материалларини эҳтиёжга мослаш, ўзгартериш, аутентик материалларни қўллаш.

6.3. Корейс филологиясида компаративистика.

Замонавий компаративистика фан сифатида, компаративистика назарияси. Компаративистикада шарқшуносликнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмлари. Макро ва микрокомпаративистика, Архив шарқшунослиги. Имагология Адабий алоқалар. Таржима компара-тивистикаси. Герменевтика. Шарқ тилшунослиги ва адабиётшунослигига талқин назарияси.

Шарқ ва Ғарб тафаккур тизимининг филологияда акс этиши. Сайёр ва туркум сюжетлар. Сайёр мотивлар. Абадий мавзулар компаративистикаси. Шарқшуносликдаги назарий ва методологик муаммоларни қиёсий таҳлил орқали ҳал этиш йўллари.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қуийдаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини қузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар груҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари,

мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1, 2.
30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. 민혁식, 조항록, 유석훈, 최은규 “한국어 교육론 1” 한국문화사 2015, 553
33. 윤후정 “외국인을 위한 한국어 2” 이화여자대학교 출판사 1991, 167
34. 이수열 “우리말 바로 쓰기” 현암사 2010, 493
35. 김경성, 엄우섭 “한국초등교육 “서울교육대학교 초등교육연구원 2017 397
36. 강현화, 이현정, 남신혜, 정채린, 홍연정, 김강희 “한국어교육 문법” 한글파크 2016 643
37. 이진호 “한국어의 표준발음과 현실 발음 “ 아카넷 2012 613
38. 김정순, 박동호, 이병규, 이해영, 정희정, 최정순, 허용 “ 한국어문법 “ 커뮤니케이션북스 2015 570

Интернет сайтлар

39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
40. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
41. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
42. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:
43. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
44. Таълим портали: <http://www.ziyonet.uz/>
45. Тил ўрганиш портали: <http://www.koica.go.kr>

"ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":

Олни таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий методик маркази

Директор ДЧА ТОЙЯРЛАШТИРИШ БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИКАРНИ
БОШКАРМА БОШЛИГИ Т.Т.Шоймардонов

2019 й.

Узбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Ректор

Х.Рахимов
2019 й.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
хузуридаги * * тилларни Уқитишнинг
инновациявий * * 1911 методикарни
ривожлантириш республика илмий-амалий
маркази

Директор-проректор

У.Б.Азизов
2019 й.

"КЕЛИШИЛГАН":

Калрарни қайта тайёрлаш ва малакасини
оширишни ташкил этиш хамда
мувоғиқлаштириш бошкармаси
Бошкарма бошлиги

Л.Ф.Т.Эсонбобоев

2019 й.

“
М.ў.